

Хорижлик журналистлар:

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЧИҚЛИК СИЁСАТИ МЕДИА ОЛАМИ ВАКИЛЛАРИГА КЕНГ ИМКОНИАТЛАР ЯРАТМОҚДА»



Цай Годун, «Синьхуа» ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири (Хитой): — Мен Ўзбекистондаги фаолиятимни ўтган йилнинг сентябрь ойида бошлаганман ва бундан бехад мамнунман. Бугунги кунда Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик ташқи савдо шериги ҳисобланади. «Бир мақон, бир йул» лойиҳасининг амалга оширилиши туфайли давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб, Хитой ҳам, Ўзбекистон ҳам жадал иқтисодий ўсишда давом этади, деган фикрданман. 2016 йил охиридан Ўзбекистон улкан ислохотларни бошлади ва дунёга очилди. «Синьхуа» ахборот агентлигининг мухбири сифатида мамлакатингизда турли жабҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ислохотлар мен учун жуда қизиқ. Бу ердан тайёрайдиган репортажларим хитойлик инвесторларнинг эътиборини тортди, юртингизга кўпроқ сармоя киритишга ундайга умид қиламан. Шунинг ҳам айтиши ўринлики, Ўзбекистоннинг маданияти, туризми ва миллий ошхонаси ҳам ўзига хослиги билан аҳралиб туради. «E-VISA» тизимининг жорий этилиши туристлар учун катта қулайлик бўлди. Натижада кўплаб хитойликлар, шу жумладан, дўстларим саяҳат учун мамлакатингизни ташлашмоқда ва Ўзбекистон улгаря жуда ёққати. Бу йил мен ҳам мамлакатингиз сайёҳлик салоҳияти ҳақида бир қанча видеоматериаллар тайёрладим. Кўпчилик уни томоша қилиб, юртингизга келиш истагини билдирди. Сўбатимиз Ўзбекистонда кенг нишонланадиган байрамлардан бири — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини арафасида бўлаётгани учун соҳамиз ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсам. Журналистик — машаққатли касб. Бу шундай соҳани, унда гоҳида узок вақт танаффуси ишлашга, гоҳида оиланг учун ажратадиган вақтинги қурбон қилишга тўғри келади. Лекин биз, қалам аҳли касбимиздан доимо фخرланамиз. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонда фаолият юротаётган барча ҳамкасбларимга соғлиқ тилайман. Бинобарин, соғлиқ бўлса, ишда унум ва самара бўлади.



Андрей КНЯЗЕВ, Россия журналистлари уюشمаси аъзоси, «Мир Новостей» газетаси бош муҳаррири ўринбосари, сиёсатшунос: — Ўзбекистондаги барча матбуот ходимларини касб байрами билан табриклайман. Сизлар нақадар муҳим вазифаларни адо этаётганингизни кўриб, кузатиб турибмиз. Мамлакатда рўй бераётган воқеа-хадисларни газеталар, сайтлар, теле ва радиоканаллар орқали ўз аудиториянгизга етказиб бераёсиз. Россия ҳамда МДХнинг бошқа мамлакатлари аҳолиси сўнгги бир неча йил ичида ахборотларнинг бир ёқамалиқдан ўзоклашганига гувох бўлмоқда. Бугунги кунда бундай материаллар ўрнини таҳлилий мақолалар эгаллапти, ҳаётнинг турли жабҳаларидаги камчиликлар рўй-рост танқид қилинмоқда, оддий одамларнинг ҳаётини берилляпти, ҳуқумат вакиллари чиқиш қилаётди. Илгари ОАВда фақатгина биринчи раҳбарлар кўриниш беради. Бошқа мутасаддилар эса бу жараёндан анча йироқ эди. Ҳозир эса бундай амас. Ўзбекистон мамлакатга келаятган журналистлар учун ўз очкилигини намоён қилмоқда. Россия ва хорижий оммавий ахборот воситаларида мамлакатингиздаги янгилинишлар, иқтисодий ислохотлар ҳақида кўплаб маълумотлар берилляпти. Мен мана шундай масъулиятли ишда ўзбекистонлик барча ҳамкасбларимга муваффақият тилайман.



Жон БАТЧЕЛОР, дунёга машхур радио бошловчиси, «Жон Батчелор шоу» дастури муаллифи (АҚШ): — Шу ой бошида Ўзбекистонда бўлдим. Мамлакатингизга илк сафарим ниҳоятда мазмунли ва қизиқarli кечди. Радиоқаналимизнинг 5 миллиондан ортик аудиторияси учун тўғридан-тўғри репортажлар уюштирадим, давлат ва хусусий сектор вакиллари билан 15 та интервьё тайёрладим. Бундан ўзим ҳам завқ олдим, юртингиз ҳақида янада кенг тасаввурга эга бўлдим. Ёш тадбиркорлар билан мулоқот қилиб шуни сездимки, уларда иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшишга интилиш, хоҳиш-истак жудама кучли. Ўзбекистонга сафарим давомида, шунингдек, пойтахт Тошкентда кўплаб қурилиш қранлари, янги тураржойларга кўзим тушди. Ҳар қадамда учрайдиган «General Motors» автомобиллари ва замонавий савдо дўконларини томоша қилдим. Қисқаси, мен учун самарали сафар бўлди. Албатта, мана шундай жараёнларни бутун дунёга тўғри ва холис етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Шу фурсатдан фойдаланиб, мен барча ўзбекистонлик ҳамкасбларимни касб байрамлари билан чин юракдан муबारакбод этаман. Машаққатли иждодий фаолиятларида омад тилайман.




Сафо САФАРОВ, «Тожикистон — XXI аср» муштакли журналистлар мактаби директори: — Тожик ва ўзбек халкларини бир дарахтининг икки шохи қаби бир-бирига яқин ва қадрдондир. Давлатларимиз раҳбарлари сая-ҳаракатлари билан мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда муштаҳам алоқалар боғланди. Булар орасида ижтимоий, маданият-гуманитар, маънавий-маърифий жабҳалар алоҳида ўринга эга. Жорий йил июнь ойи бошида бир гуруҳ тожик медиа соҳаси вакиллари Ўзбекистонга бориб, мамлакат пойтахтидан сафаримизни бошладик. Тошкент халқаро аэропортида самолётдан тушимиз биланок қизгин учрашувлар бошланди кетди. Ўзбекистон журналистлари иждодий уюшмаси вакиллари билан мулоқот чоғида ҳамкасбларимизга кўрсатилган эътибор ҳақида атрофича маълумот олдик. Ўзбекистонда туризм, таълим соҳаларида бўлаётган янгилинишлар ҳам диққатимизни тортиди. Тошкентнинг тарихий жойлари билан танишиб, «Afrosiyob» поездига Бухорога борганимиз, бу қадимий шаҳарда бутун дунё туристларини ўзига жалб этган жойларда бўлганимиз бизда улкан таассурот қолдирди. Бугун ўзбек медиа майдони хар томонлама ривожланиб бораётганига амин бўлдик. Уртаимиздаги дўстлик алоқалари бу майдоннинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қиладди, деб ўйлайман.




Тўланбой КУРБОНОВ, «Қабар» Қирғизистон Миллий ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири: — Бугунги кунда Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларнинг натижалари кўзга яққол ташланмоқда. Жумладан, бугунги кунда даврий матбуотда, интернет сайтларида, телевидение ва радиода умумбашарий муаммолардан тортиб, инсон қундалик турмушига дахлдор долзарб муаммолар акс эттирилган таҳлилий, юксак бадийий савиядаги материаллар кўпайётгани диққатга сазовор. Бу, энг аввало, оммавий ахборот воситалари фаолиятига давлат даражасида эътибор қаратилаётганидан, Ўзбекистонда журналистика соҳасида иқтисодий, замон талабига жавоб бера оладиган янги авлод шаклланиб келаятиганидан, жамият аъзоларининг онгига ҳам ўзгаришлар рўй бераётганидан далоятдир. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар ОАВ вакиллари учун ҳам қулай шартонлар яратилган. Бир пайтлардагидек чеклашлар, ахборот танқислиги ва ахборот алмашув муаммолари йўқ. Имкониятдан фойдаланиб, ўзбекистонлик ҳамкасбларимга масъулиятли вазифаларини адо этишларида улкан зафарлар тилайман!



Амире АРИН, «Жетису» ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири (Қозоғистон): — Қозоқ ва ўзбек халкларини ўртасидаги дўстона муносабатлар тарихи узок ўтмишга бориб такалади. Маданиятими, анъаналаримиз ўхшаш. Биз бир-галликда кўплаб синовларни энгиб, аждодларимиздан мерос бетақдор кадрларимизни сақлаб қолганимиз. Қозоқ халқи дўстлик, қўшничиликни қанчалик қадрласа, ўзбек қардошларимиз ҳам бу ришталарни шундай улуғлайди. Айниқса, сўнгги йилларда Узаро муносабатлар кўлами кенгайиб бораётгани барчамизни қувонтирмоқда. Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг жорий йил апрель ойида Ўзбекистонга илк давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорлик ривожига янги суръат бағишлади. Ўзбекистоннинг бугунги инвестициявий салоҳияти ва очкилиги, илгор ислохотларни дадил татбиқ этаётгани ҳамда тинчликсеварлик сиёсати бутун дунё миқёсида кенг қўллаб-қувватланаётгани, албатта, бизни ҳам қувонтиради. Иқтисодиётнинг жадал ривожланиб бораётгани, чет эллик инвесторларнинг мамлакатга сармоя киритаётгани натижасида халқнинг фаровонлиги юксалиб, эртанги кунга ишончи ортиб бормоқда. Уз навбатида, икки мамлакатнинг дўстона алоқалари кучаяётгани оммавий ахборот воситаларининг бугунги кунда фаол ривожланиб бораётган ҳамкорлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбек элидаги янгиликларнинг барчаси қозоғистонликларга вақтида етказилмоқда. Қардош халқнинг сиёсий-маданият, ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид кўплаб таҳлилий материаллар тақдим этиляпти. Шундай ижобий ўзгаришларга ўтган йили Ўзбекистонга амалга оширган иждодий сафаримиз, хусусан, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти жамоаси билан учрашувимиз чоғида яна бир қарра гувоҳ бўлдик. Бу олам таассуротлар олдик. Ўзбекистонликларнинг, ҳамкасбларимизнинг икки мамлакат дўстлигига алоҳида эътибор билан қараётгани бизни янада хурсанд қилди. Зеро, дўстликдан ортиқроқ куч, ундан мустаҳкамроқ қўлрик йўқ. Ўзбекистонлик барча ҳамкасбларимни касб байрами билан самимий табриклаб, оилавий бахт, иждодий баркамоллик тилайман.



Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»): —



—

Танлов

Йилнинг энг фаол журналистлари аниқланди

Пойтахтимиздаги «Зарафшон» концерт залига «Йилнинг энг фаол журналисти — 2019» кўрик-танловининг голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирга турли вазирлик ва идоралар, медиатизимлар вакиллари, фариҳий журналистлар ҳамда иждодкор ёшлар тақриф этилди. Таъкидлаш жоизки, журналистика соҳасини ривожлантириш, моддий-техника базасини муштаҳамлаш, ОАВ ходимларини хар томонлама кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

200 га яқин иждодкорларнинг 2000 дан зиёд иждодий ишлари кўриб чиқилди. Улар орасидан мавзунинг долзарбли-

ги, ижтимоий аҳамияти, журналистнинг фаол фуқаролик позициясини намоён эта олган энг яхши ишлар саралаб олинди. Голиб ҳамда совриндорлар ташкилотчиларнинг дипломи ва қимматбаҳо совгалари билан тақдирланди.



«Йилнинг энг фаол журналисти — 2019» кўрик-танловининг голиб ва совриндорлари орасида ҳамкасбимиз — «Народное слово» газетаси тахририяти вакили Сергей Левченко ҳам бор. Тахририятимиз жамоаси касбшумолини ушбу ютуқ билан қизгин табриклаб, келгуси фаолиятида бундан-да юксак муваффақиятлар тилайди.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ («Халқ сўзи»):

Динара ЧИРКОВА олган сурат.

ЭЪЛОН

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

2019/2020 ўқув йили учун бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул эълон қиладди.

Table with 4 columns: №, Шифр, Йўналишлар номи, Җами. It lists various academic programs like Economics, Law, and Engineering with their respective student counts.

Ҳужжатлар жорий йилнинг 15 июнидан 15 июлигача қабул қилинади.

Университет манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 183-ўй. Тел.: 71-245-42-43

QISHLOQQURILISHBANK

Таҳлилларга қараганда, кейинги пайтда аҳолининг омонатларга қизиқиши кучайиб, муддатли ва жамғармали депозитларга кўйётган бўш пул маблағлари ҳажми ортмоқда. Буни мутахассислар юрдошларимизнинг даромади кўпайиб, тижорат банкларига ишончи тобора мустаҳкамланаётгани билан изоҳлашмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда энг йирик молия муассасаларидан бири — акциядорлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан таклиф этилаётган омонат турлари ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсларга бирдек мақбул тушмоқда. Бу эса

мижозларга қўшимча даромад олиш, ўз навбатида, банк инвестициявий фаоллигини оширишда айни муддао бўлаётган. Зеро, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг депозит сиёсати аҳоли банк омонатларига жойлаштирилган пул маблағларининг барқарор даромадлигини таъминлаш ва банкнинг манфаатларини уйғунлаштиришга қаратилган. Бугунги кунда йиллик 21 фоизли омонатлар таклиф этилаётгани, айниқса, онлайн тарзда жойлаштирилган омонат пул маблағларига йиллик 22 фоизгача тўловлар амалга оширилаётгани бунга яққол мисолдир.

ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ ВА ЖОЗИБАЛИ ОМОНАТЛАР

аҳолининг муддатли ҳамда жамғармали депозитларга қизиқишини кучайтирмоқда

Аҳолининг бўш пул маблағларини банкдаги омонатларга янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида жозибали янги депозитлар мунтазам равишда таклиф этиляпти. Натижада 2019 йил 1 июнь ҳолатига кўра, уларнинг тури 26 тага етказилди. Шундан еттитаси хорижий, қолганлари эса миллий валютада эканлиги эътиборга молик.

«Барака» — ана шундай юқори даромадли ва жозибали муддатли омонатлар сирасига кириди. Бунга 19 — 25 ойга маблағ қўйилганда, йиллик 21 фоиз миқдордаги фоиз тўланади. Мижозлар учун унинг қўшимча қўлайликлари шундаки, баъзи шароитларга асосан, маблағ муддатидан олдин қайтариб олинган тақдирда ҳам унинг ҳақиқатда сақланган пайти учун фоиз тўловлари амалга оширилади.

Мижоз манфаатини кўзлаб кўрилатган бундай чора-тадбирлар омонатчилар сафи кенгайишида муҳим

омил бўлмоқда. 2019 йилнинг ўтган 5 ойи давомида «Қишлоқ қурилиш банк» омонатчилари 5800 тага кўпайиб, 104 600 га етгани бунинг тасдиғидир. Пировардида омонатлардаги маблағлар қолдиғи 610,1 млрд. сўмдан ортди. Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг банкдаги омонатларда қолдиғи йил бошидагига нисбатан 64,7 млрд. сўмга кўпайиб, ўсиш 112 фоизни ташкил этди.

— Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига кўпроқ жалб қилиш, айниқса, узоқ муддатли депозитларга нисбатан юқори фоизли даромад таклиф этиш орқали аҳоли билан манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашда ижобий натижаларга эришилмоқда, — дейди АТ «Қишлоқ қурилиш банк» департаменти бошлиғи Азамат Атажанов. — Аммо бугунги натижа-

лар билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Шу йилнинг июнь — декабрь ойларида омонатларга қарийб 60 млрд. сўм маблағ жалб қилиб, йил якунида омонатлар қолдиғини маблағлар қолдиғи 610,1 млрд. сўмга етказилди. Бу борада банк тузилмалари томонидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Таъкидлаш керакики, банк филиалларига бўш пул маблағлари, асосан, узоқ муддатларга жойлаштириляпти. Масалан, 2019 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, бир йилдан ортиқ сақланган омонатлар қолдиғи қарийб 293 млрд. сўмни ташкил этиб, қисқа муддатда, аниқроғи, 2018 йил бошидагига нисбатан 276 млрд. сўмга кўпайди.

Бу эса банк жамоасини янада жозибали омонатлар таклиф этиш, мижозларга қўшимча қўлайликлар яратишга ундамоқда. Пировардида муддатли ва жамғармали омонатга минимал миқдордан юқори маблағ жойлаштирилган омонатчига банк пластик карталари бепул тақдим қилинаётган. Эндиликда омонатлардаги маблағларни масофадан бошқариш имкониятини берувчи «Депозит банкинг» хизматига улашиш ва фойдаланиш ҳам омонатчилар учун бепул қилинди. Бундан ташқари, банк томонидан қўшимча равишда «Биометрик идентификациялаш» тизими (бармоқ изи орқали) жорий қилинган аҳолининг омонатлардаги маблағлари ишончли ва хавфсиз сақланишига хизмат қилаётган.

Қисқаси, «Қишлоқ қурилиш банк» мамлакатимиз молиявий хизматлар бозоридagi 25 йиллик фаолияти давомида тўплаган бой тажрибасидан келиб чиқиб юриётган оқилона депозит сиёсати туфайли юқори даромадли ва жозибали омонатлар турлари тобора кўпаймоқда. Бу эса аҳолининг муддатли жамғармаларга бўлган қизиқишини кун сайин ошириб, қўшимча даромад олиш имконини бераётган.

МИЖОЗЛАР ФИКРИ

Хуррам ҚОСИМОВ, банк мижози (Сурхондарё):

— Ўн йилдан буён шу банкинг мижозиман. Ўзим ҳозир пенсиядаман. Кундалик сарф-харajatлардан ортган пул маблағларимни банкинг фоизи юқори бўлган омонатига қўйишга одатланганман.

Барака топшиш, филиал ходимларининг хизматидан миннатдорман. Хушмуомала, ишингизни тезда битириб беради. Омонат муддатининг етиб келгани ҳақида эслатиб ҳам туришади, ҳисобланган фоизларни эса ўз вақтида тўлашади. Умуман, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг хизматиям, омонатларининг фоизи ҳам менга жуда маъқул тушган.

Маҳмуд ҲАСАНОВ, банк мижози (Сирдарё):

— Уйбу банкинг ипотека кредитлари ёрдамида Боёвут туманидаги Гулистон массивида 2009-2010 йилларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлардан олгандим. Шундан кейин банкинг доимий мижозига айландим.

Ўзим фермерман. Олган даромадимизнинг бир қисmini доимо банк омонатларига жойлаштириман. Сабаби, хизмат кўрсатиш сифати яхши ва тезкор. Масалан, омонатга маблағ жойлаштириш, бошқа омонат турига ўзгартириш, фоизларни олиш жараёнининг барчаси бир дарча орқали амалга оширилади. Агар дала ишларидан ортолмай, банкка бориш ёдимдан кўтарилса, банк ходимларининг ўзлари телефон қилиб эслатишади.

Бўш пул маблағларимни банк омонатларида сақлаб, қўшимча даромад ҳам оляпмиз.

Хизматлар лицензияланган.

Банк ахборот хизмати.

ASAKA BANK

«Асака» АТБ жамоаси

27 июнь —
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун билан
ушбу соҳада фаолият юритаётган барча ижодкорларни кутлайди.

Ватанпийвиз раванги йўлида олиб бораётган фидокорона меҳнатингиз учун сизга ташаккур, азиз дўстлар!

Онлавий тобқувлик, сиҳат-саломатлик хамиша йўлдошингиз бўлишига тилақдоримиз!

www.asakabank.uz www.facebook.com/bankasaka/ t.me/bank_asaka

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ
МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНING
«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Тошкент вилояти бошқармаси билан 2018 йил 26 ноябрда тузилган 255/2018-01-сонли шартномага асосан, <https://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 29 июлда** ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Тошкент вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«УАЗ 31514»	1995	01 126 TDA	0084855
2.	«УАЗ31512»	1995	01 227 DCA	0084846
3.	«УАЗ 31514012»	1997	01 729 ZAA	0084847
4.	«УАЗ 31512-10»	1996	01 734 ZAA	0084848
5.	«УАЗ 31512»	1990	01 829 ZAA	0084849
6.	«УАЗ 31514-10»	1996	01 859 ZAA	0084850
7.	«УАЗ 31514-10»	1996	01 863 ZAA	0084851
8.	«УАЗ 31512»	1992	01 912 ZAA	0084852
9.	«УАЗ 31514»	1997	01 917 ZAA	0084853
10.	«УАЗ 31512»	1993	01 971 VCA	0084854

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Абдулла Кодирий кўчаси, 1-«А» уй.
Талабгорлар диққатига!
Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ сизга куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.
Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
• 0,4 мм. — 40 000 сўм/п.м. • 0,5 мм. — 48 000 сўм/п.м.
• 0,45 мм. — 43 000 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 68 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
• RAL 3003, 3005, 8017, 9003 0,45 мм. — 52 200 сўм/п.м. Маҳсулотлар сертификатланган.
• RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 56 000 сўм/п.м.

Тел.: (+998) 99 535-00-65, (+998) 95 197-00-93, (+998) 99 871-88-99

27 июнь

«Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси жамоаси соҳа вакиллари Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун билан самимий кутлайди!

Хамиша қадрингиз баланд, каламингиз ўткир бўлсин!

www.e-auksion.uz сайтга ташриф буюринг ва очик электрон аукционларда иштирок этиб, режаларингизни амалга оширинг.

АУКСИОН
ELEKTRON ONLAYN AUKSIONLARNI TASHKIL ETISH MARKAZI

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.
Газетанинг маълумот марказида термил ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

«Халқ сўзи»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буок Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.35 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6